2011 ЙИЛ 18 ОКТЯБРЬ, СЕШАНБА

Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ № 208 (12.019) Баҳоси эркин нархда

XXI аср садоси

БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва юридик таъминлаш бошқармасида Инсон ҳуқуқлари ресурс маркази очилди. Мазкур марказ Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Ўзбекистондаги лойиҳалари мувофиқлаштирувчиси билан ҳамкорликда ташкил этилди.

● Ўзбекистон «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий кенгашида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси томонидан жамоатчилик эшитуви ўтказилди. Ёшларга оид қонунчиликни тарғиб қилишда ҳуқуқий таълимнинг роли ва аҳамиятига бағишланган мазкур жамоатчилик эшитувида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, турли вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари вакиллари, ҳуқуқшунослар, маънавият тарғиботчилари, ўқитувчилар, талаба-ёшлар иштирок этди.

● Пойтахтимизда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан Германия халқаро ҳамкорлик жамияти билан биргаликда «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик тараққиётида банк тизимининг роли» мавзуида халқаро илмий-амалий конференция ташкил этилди.

● Бухорода «Шофиркон экваториалтекс» масъулияти чекланган жамияти ўз маҳсулотлари билан жаҳон бозорига дадил чиқиб бормоқда. Хусусан, жорий йилнинг ўтган даврида бу ерда ишлаб чиқарилган 300 минг АҚШ долларилик болалар кийимлари хорижлик буюртмачиларга етказиб берилди. Эътиборлиси, ҳозир 90 кишидан иборат корхона жамоасининг асосий қисмини коллеж битирувчилари ташкил қилади. Таъкидлаш керакки, «Шофиркон экваториалтекс»нинг бундай муваффақиятга эришишида банк томонидан ажратилган 330 миллион сўмлик молиявий кўмак қўл келди.

● Денов туманидаги «Акбар» хусусий корхонаси томонидан тош майдалайдиган, қиймати 180 миллион сўмлик янги технологик линия ишга туширилди. Шунингдек, бу ерда бир пайтнинг ўзида блок ғишт ва плиткалар ҳам ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Ҳозир корхона жамоаси бунёдкорлик ишларига ҳар ойда ўртача 120 миллион сўмликка қурилиш материаллари етказиб бермоқда. Туманда 2011 йилнинг ўтган даврида деворбоп материаллар тайёрлашга ихтисослаштирилган 8 та ана шундай лойиҳа амалга оширилди.

ЖАҲОНДА

● Швециянинг юк машиналари ишлаб чиқарувчи «Scania» компанияси акциялари Стокгольм биржасида 2,5 фоизга арзонлашган. Бунга корхона томонидан маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 15 фоизга пасайтирилгани сабаб бўлган. Изоҳланишича, айни пайтга келиб Европа ва АҚШ иқтисодиётида кузатилаётган беқарорлик боис юк машиналарига талаб сезиларли даражада камайган. Шу боис корхона маҳсулот тайёрлаш ҳажмини қисқартиришга мажбур бўлган.

● Таиланднинг шимоли-шарқий ва марказий қисмида юз бераётган сув тошқинлари кўплаб ноқулайликларни келтириб чиқармоқда. Табиий офат туфайли 700 мингдан ортиқ турар жой биносига жиддий зарар етган. Икки юз етмиш киши ҳаётдан кўз юмган. Маълумотларда келтирилишича, табиий офатдан ҳатто мамлакат ҳудудидаги тарихий обидаларга ҳам шикаст етган.

● Қатарнинг «Precision Capital» инвесторлар гуруҳи Бельгиянинг «KBC Group — KBL epb» банкининг Люксембургдаги бўлимини сотиб олишга қарор қилган. Қиймати 1,41 миллиард АҚШ долларига тенг бўлган ушбу шартнома 2012 йилнинг биринчи чорагида имзоланиши режалаштирилмоқда. «KBC Group» раҳбари Ян Ванхевелнинг айтишича, муассаса фаолиятида сўнгги пайтда барқарорлик кузатилмаётганлиги боис уни сотишга аҳд қилинган.

● Лондон гигиена ва тропик тиббиёт институти олимлари автомобиллардан чиқаётган заҳарли газларнинг инсоннинг юрак хуружига чалинишини тезлаштиришини аниқлаганлар. Мазкур муассаса мутахассислари шифокорларга юрагида муаммо билан мурожаат қилган 80 минг нафар одамнинг касаллиги ҳақида маълумотларни таҳлил қилиб, ана шундай хулосага келишган. Маълум қилинишича, автомобиллар двигателидан ажралиб чиқаётган заҳарли тутун инсон организмидаги қонни қуюқлаштириш хусусиятига эга. Бу эса томирларда тромблар пайдо бўлиш эҳтимолини оширади. Айнан шу таъсир юрак хуружини келтириб чиқариши мумкин. Ҳозир бу борада изланишлар давом эттирилмоқда.

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида барча соҳалар қатори тиббиёт тизимида кенг кўламда амалга оширилаётган ислоҳотлар самарали натижаларни кўз ўнгимизда яққол намоён этмоқда.

Шифо масканларида

БОЛАЛАР САЛОМАТЛИГИ ЙЎЛИДА

Маълумки, юртимизда аҳоли, айниқса оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилишга алоҳида эътибор қаратилган. Бу борада Юртбошимизнинг 2009 йил 13 апрелдаги «Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлодни шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ҳамда «2009-2013 йилларда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни вояга етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари Дастури тўғрисида»ги Қарорлари фикримизнинг яққол далилидир. Бугунги кунда мазкур қарорлар ижросини таъминлаш йўлида амалга оширилаётган ишлар диққатга сазовор бўлаётир.

Мирзо Улуғбек туманида жойлашган 5-шаҳар болалар клиник шифохонаси кейинги йилларда таъмирталаб бўлиб қолган эди. Мустақиллигимизнинг 20 йиллик байрами арафасида шифохона «Меҳр нури» жамғармаси ташаббуси билан қайта таъмирланиб, замонавий қиёфага эга бўлди.

— Ҳомийларимиз томонидан қайта таъмирланиб, барча шарт-шароитларга эга бўлган шифо масканимиз қутлуғ байрамимиз арафасида фойдаланишга топширилди. Ҳомийларимиздан жуда миннатдормиз, — дейди мазкур шифохона бош шифокори Дилором Давлетова. — Шифохона 130 ўринли бўлиб, 2 та чақалоқлар патологияси бўлими, эмизикли чақалоқлар бўлими, оналарни соғломлаштириш ва интенсив даволаш ва жонлантириш бўлимлари мавжуд. Бўлимларимиз замонавий тиббий жиҳозлар билан таъминланди. Интенсив даволаш ва жонлантириш бўлими ИВЛ аппарати, инфузион насос, инкубатор, монитор, электр, отсос, небулайзерлар билан жиҳозланди. Шунингдек, клиникамизга янги рақамли рентген аппарати ўрнатилди. Бу аппарат ёрдамида суяк, мушак ва қон томирлар ҳолатини текшириш мумкин. Бундан ташқари шифохонадаги янги УЗИ, ЭКГ, ЭЭГ, ЭхоЭГ, оториноларингоскоп аппаратлари бемор болаларга ўз вақтида аниқ ташхис қўйишга ёрдам беради. Клиник ва бактериологик лабораторияларимиз ҳам янги замонавий таҳлил аппаратларига эга бўлди.

Шифохонада асосан муддатига етмай туғилган, перинатал патология, коньюгацион сариқлик ва нуқсон билан туғилган чақалоқлар ва шамоллаш билан келган гўдаклар парваришланиб, даволанади. Эндиликда болажонларнинг саломатлигини мустаҳкамлашда клиникада барча шарт-шароитлар етарли. Айтиш жоизки, ҳомийлар шифохона болаларга хизмат кўрсатишини инобатга олиб, хоналарни болалар табиатига мослаб жиҳозлашга алоҳида эътибор қаратишган. Шифо маскани ҳудуди кўкаламзорлаштирилиб, турфа хил гуллар ўтқазилган, ташриф буюрувчилар учун махсус айвончалар барпо қилинган.

Буларнинг бари албатта, келажагимиз бўлган болаларимизнинг жисмонан соғлом, бақувват ҳамда комил инсон бўлиб вояга етиши йўлида қилинаётган саъй-ҳаракатлардир. Зеро Президентимиз таъкидлаганларидек «Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта бахтли бўлиши шарт».

Дилором ИКРОМОВА
Козим Ўлмасов олган суратлар

ЧЕХИЯ ДЕЛЕГАЦИЯСИНИНГ УЧРАШУВЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида 17 октябрь куни мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Чехия Республикаси Парламенти Сенатининг Таълим, фан, маданият, инсон ҳуқуқлари ва мурожаатлар қўмитаси раиси Яромир Ермар раҳбарлигидаги делегация аъзолари билан учрашув бўлиб ўтди.

Мулоқот чоғида Ўзбекистон билан Чехия ўртасидаги алоқалар кўплаб йўналишлар қатори парламентаризм соҳасида ҳам изчил ривожланиб бораётгани, бунда икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётгани алоҳида таъкидланди.

Учрашувда Ўзбекистон билан Чехия олий қонун чиқарувчи органлари ўртасидаги муносабатларнинг бугунги аҳволи ва истиқболига доир масалалар муҳокама қилинди. Фан-таълим ва маданият соҳаларидаги ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантириш масалалари юзасидан фикр алмашилди.

– Ташрифимиз асносида Ўзбекистонда фан, таълим, маданият соҳалари изчил тараққий. этаётганини, аждодларингизнинг бой меросини ўрганиш, тарғиб қилиш, маданий ёдгорликларни асраб-авайлаш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилаётганини кўрдик, – деди Яромир Ермар. – Мамлакатингизда шаҳар ва қишлоқлар инфратузилмасини янада такомиллаштириш борасида бажарилаётган улкан бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари ҳам таҳсинга лойиқ.

Шу куни Чехия парламенти делегацияси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) Сайёра Рашидова билан учрашди. Мулоқот чоғида Ўзбекистон билан Чехия ўртасидаги алоқалар ҳуқуқ-тартибот ва инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича ҳам изчил ривожланиб бораётгани таъкидланди.

Чехия делегацияси, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ва Фуқаролик жамиятини шакллантириш мониторинги бўйича мустақил институтда ҳам учрашувлар ўтказди.

(ЎзА)

Табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва экологик мувозанатни асраш муаммоси замонамизнинг долзарб масалаларидан бири ҳисобланади. Шу маънода, Роғун гидроэлектр станцияси қурилишининг экологик ҳамда ижтимоий оқибатлари юзасидан тегишли баҳонинг мавжуд эмаслигига қарамасдан Тожикистон томонидан мазкур йўналишдаги ишларнинг давом эттирилиши нафақат минтақа мамлакатлари, балки кўплаб халқаро экспертларни ҳам жиддий ташвишга солмоқда. Мазкур лойиҳа хорижий эксперт-таҳлил доираларида, шунингдек, чет эл оммавий ахборот воситаларида ҳам кенг муҳокама қилинмоқда.

РОҒУН СУВ ИНШООТИ ҚУРИЛИШИ — ХАЛҚАРО ҲУҚУҚНИНГ ҚЎПОЛ РАВИШДА БУЗИЛИШИДИР

Хусусан, Латвия Яқин ва Ўрта Шарқ халқаро институтида Тожикистон томонидан Роғун сув иншооти қурилишининг олиб борилиши ҳолатида Ўрта Осиёда сув ресурсларидан рационал фойдаланиш масалаларига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.

Унда мазкур институтнинг илмий ходимлари, мустақил эксперт ва таҳлилчилар, шунингдек, Латвия оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Тадбирни очар экан, мамлакатимиз дипломатия ваколатхонаси раҳбари сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш масаласи юзасидан Ўзбекистоннинг нуқтаи назарини атрофлича баён қилди. Шу билан бирга, Ўрта Осиёдаги экологик вазият, минтақадаги трансчегаравий дарёларнинг ўрта ва қуйи оқимида жойлашган мамлакатлар мазкур дарёлар сувларидан фойдаланишлари борасида дуч келаётган муаммолар тўғрисидаги барча зарур маълумотлар тадбир иштирокчилари эътиборига ҳавола қилинди. Шу муносабат билан, сейсмик фаоллигининг даражаси юқори бўлган ҳудудда йирик сув иншоотлари барпо этилиши, хусусан, Роғун гидроэлектр станциясининг қурилиши Ўрта Осиё минтақаси барча аҳолисининг ҳаёти ва хавфсизлигига жиддий таҳдид солиши қайд этилди.

Интеллектуаллар клуби президенти, мустақил экспертлар халқаро федерацияси аъзоси Владимир Юденко Роғун гидроэлектр станцияси қурилиши ҳудудидаги юқори сейсмиклик, кўчки ва сел хавфи жараёнлари, тўғон остидаги ер қатламларининг тузли тошлар билан бир-бирига улангани ҳолати, иншоот ўта баланд бўлиши сингари омиллар мазкур тўғон қурилишига монеълик қиладиган жиддий далиллар эканлигини таъкидлади. «Бундан ташқари, ҳукумат ўз аҳолисига акцияни сотган тақдирида ҳам иқтисодий нуқтаи назардан Тожикистонга мазкур лойиҳани рўёбга чиқариш учун ўз маблағи етмайди», деди эксперт.

В.Юденконинг сўзларига қараганда, Вахш дарёсида ҳозир мавжуд бўлган гидроэлектр станцияларининг ўзи ҳам минтақа флораси ва сув ресурсларига салбий таъсирни кўрсатмоқда. «Сув ресурсларининг ҳар қандай сунъий қайта тақсимланиши нафақат ҳосилдор ерларнинг йўқотилишига, балки жанубий ҳудудларнинг муқаррар равишда чўлга айланишига олиб келади. Бутун минтақа учун иқлимий оқибатларни ҳам ёддан чиқармаслик лозим», деди у.

Эксперт ўз чиқишининг сўнгида бундай гигант иншоотлар бир неча давлатларнинг экологик, иқтисодий ва ҳаётий манфаатларига алоқадор бўлишини, шу боис у пухта лойиҳалаштирилиши ҳамда тегишли халқаро ташкилотлар томонидан иншоот ишончли ва мустаҳкамлигининг кафолати олиниши лозимлигига алоҳида эътибор қаратди. Қатор атом электр станциялари, жумладан, Саяно-Шушенск ГЭСидаги фожиали воқеалардан сўнг жаҳон ҳамжамияти бунга ўхшаш лойиҳаларга ўта эҳтиёткорлик билан ёндашмоқда.

Давра суҳбати якунлари бўйича унинг қатнашчилари томонидан «Тожикистонда Роғун гидроэлектр станцияси қурилиши тўғрисида» қўшма пресс-релиз тайёрланди. Унда «Тожикистон раҳбарияти ер ости қатламлари тузли тошлар билан бир-бирига уланган ва юқори сейсмик ҳолатдаги мазкур ҳудудда улкан тўғонли гидроэнергетик мажмуа қурилишини кўзда тутадиган ушбу лойиҳанинг рўёбга чиқарилиши минтақа экологиясига, у ерда яшайдиган миллионлаб одамлар ҳаёти ва соғлиғига ўнгланмас даражада зиён етказишига, эътиборсизлик билан муносабатда бўлиб, беҳад хавфли техноген ҳалокатларга олиб бориши мумкин бўлган Роғун гидроэлектр станцияси қурилишини зўр бериб илгари сураётгани, бу билан Тожикистон томони халқаро ҳуқуқнинг энг муҳим тамойил ва меъёрларини, хусусан, БМТнинг трансчегаравий сув оқимлари бўйича Конвенциясини менсимаётгани» таъкидланади.

Пресс-релизда, шу жумладан, «Ўрта Осиёдаги трансчегаравий дарёларда барча гидроэнергетик объектларнинг қурилиши юзасидан БМТ ёки унинг ваколатли тизими шафеълигида мустақил халқаро экспертиза ўтказилиши зарурлиги Ўзбекистон томонидан бир неча бор талаб қилинганидан сўнг 2010 йил март ойининг бошида Тожикистон Республикаси ҳукумати билан Жаҳон банки ўртасида Меморандум имзоландики, унда Роғун гидроэлектр станцияси қурилиши юзасидан техникавий-иқтисодий асосланганлик (ТЕО), экологик ва ижтимоий экспертиза ўтказилиши назарда тутилган. Меморандум шартларига кўра, Тожикистон томони Жаҳон банки иштирокидаги экспертиза ниҳоясига етгунига ва унинг натижалари эълон қилингунига қадар барча қурилиш ишларини тўхтатиши зарур эди, бироқ Тожикистон тиклаш-таъмирлаш ишлари важи остида Роғун гидроэлектр станцияси қурилишини амалга оширишда давом этмоқдаки, бу Жаҳон банки билан келишув шартларини ҳамда БМТ конвенцияси талабларини очиқ-ойдин писанд қилмасликдан далолат бериши» қайд этилади.

Экспертларнинг фикрича, пресс-релизда акс этганидек, Жаҳон банки билан тузилган Меморандум шартларининг Тожикистон томонидан бузилиши, республика юқори мансабдор шахслари томонидан ТЕО ва экологик экспертиза якунланиши натижалари бўйича лойиҳанинг техникавий параметрлари ўзгармаслиги тўғрисида берилган баёнотлар Тожикистон ҳукуматининг авантюрадан иборат бўлган, асоссиз нуқтаи назаридан гувоҳлик берадики, у одатий мантиқдан очиқ-ойдин чекинишни, мазкур масала юзасидан келишувга эришиш ҳамда минтақадаги барча мамлакатлар манфаатлари ҳисобга олинган асосдаги консенсус топилишини истамаслигини кўрсатади.

«Бугун минтақа мамлакатлари мазкур лойиҳанинг амалга оширилишига розилик бермасликлари учун етарли даражадаги ҳуқуқий, иқтисодий, экологик ва бошқа асосларга ҳамда инкор этиб бўлмайдиган далилларга эгадир, шунинг учун улар Тожикистон раҳбариятини ушбу масалада оқиллик ва тўғри тушунишга даъват этишмоқда», дейилади пресс-релизда.

Тадбир ниҳоясида экспертлар Роғун гидроэлектр станцияси қурилиши халқаро сув ҳуқуқининг, хусусан, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг халқаро сув оқимлари бўйича Конвенцияси қоидаларининг қўпол равишда бузилишидир, деган яқдил хулосани баён этдилар.

«Жаҳон» АА
Рига

Тошкентда тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, ҳуқуқий маданиятини янада ошириш масалаларига бағишланган семинар бўлиб ўтди. Унда тадбиркорлар, фуқаролик жамияти институтлари, прокуратура, хўжалик судлари вакиллари, адвокатлар, ҳуқуқшунос ва соҳа мутахассислари иштирок этди.

ТАДБИРКОРЛАР МАНФААТИ ЙЎЛИДА

Жамиятнинг демократия йўлидан жадал ривожланиши ва бу борада амалга оширилаётган ислоҳотларнинг муваффақияти кўп жиҳатдан одамларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданият даражасига боғлиқ. Юксак ҳуқуқий маданият – демократик жамиятнинг пойдевори ва ҳуқуқий тизимнинг мукаммаллик кўрсаткичи ҳисобланади. Семинарда аҳоли ўртасида ҳуқуқий таълим ва маърифатни кучайтириш билан боғлиқ вазифаларнинг бажарилишига алоҳида эътибор қаратилди. Бозор иқтисодиёти шароитида тадбиркорларнинг ҳуқуқий маданияти даражасини ошириш айниқса, долзарб аҳамият касб этиши таъкидланди.

Мамлакатимизда тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасида мустаҳкам қонунчилик тизими шаклланмоқда. Бу борадаги ишлар самарадорлигини янада оширишда эса Ўзбекистон Республикасининг «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида», «Хусусий корхона тўғрисида», «Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида», «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги қонунлари муҳим аҳамият касб этаётир. Қонунлар иқтисодиётимизни янада либераллаштириш ва модернизация қилиш, тадбиркорлик ҳамда кичик бизнес субъектлари ва манфаатларини ҳимоя қилишда мустаҳкам ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Семинарда демократик бозор ислоҳотларини янада чуқурлаштириш ва иқтисодиётни эркинлаштириш борасидаги вазифаларни амалга ошириш, жумладан, тадбиркорлар ҳуқуқларга риоя қилиш устидан жамоатчилик назоратини йўлга қўйиш, тадбиркорларнинг билим ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш каби долзарб масалалар муҳокама этилди. Президентимизнинг «Бюрократик тўсиқларни бартараф этиш ва тадбиркорлик фаолияти эркинлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори бу борада муҳим дастуруламал бўлиб хизмат қилаётгани қайд этилди. Қарорда тадбиркорлик фаолияти соҳасида рухсат беришга доир бир қатор ҳужжатлар бекор қилинган, шунингдек, жойлардаги давлат бошқаруви ва ҳокимияти органларига қонун ҳужжатларида назарда тутилмаган рухсатномалар ва рухсат бериш тартибларининг янги турларини жорий этиш таъқиқланган.

Тадбирда юқорида зикр этилган вазифаларнинг самарали амалга оширилиши тадбиркорлик фаолиятини янада ривожлантириш, тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқ ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш, маъмурий тўсиқларни камайтириш ҳамда ушбу соҳада коррупцияга қарши самарали курашиш имконини бериши алоҳида эътироф этилди.

Алиёр ОРИПОВ,
«Туркистон-пресс»

ДОЛЗАРБ МАСАЛАГА БАҒИШЛАНДИ

Ватанимизда турли миллатлар ва динлар вакиллари аҳил-иноқликда яшаб келмоқда. Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида истиқлол йилларида виждон ва эътиқод эркинлиги каби муҳим сиёсий ҳуқуқ ҳамда эркинликларнинг Конституциямиз ва қонунчилигимизда мустаҳкамлаб қўйилгани жамиятимизни янада либераллаштириш ва демократлаштиришда, мамлакатимиз тинчлиги ва осойишталигини, халқимиз фаровонлигини юксалтиришда муҳим омил бўлмоқда.

«Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпаниясида мазкур компания Ҳаво йўллари бош агентлиги раҳбарлари ва ходимлари иштирокида ўтказилган давра суҳбатида шулар ҳақида гап борди. Тадбирда мазкур агентлик директори М.Соколов ва бошқалар жаҳонда кечаётган бугунги мураккаб жараёнлар барчамиздан огоҳлик ва ҳушёрликни янада оширишни талаб қилишини таъкидлади. Зотан, мамлакатимизда ҳукм сураётган тинчлик-осойишталик халқимизнинг истиқлол йилларида эришган бебаҳо бойлигидир.

Тадбирда айрим террорчи кучлар ва диний-экстремистик гуруҳлар томонидан амалга оширилган қабиҳ ишларга бағишланган ҳужжатли фильм намойиш этилди.

– Бундай диний-экстремистик оқимлар одатда ҳали ҳаётий тажрибаси кам ёшларни ўз домига илинтиришга уринади, – деди Ҳаво йўли бош агентлиги директорининг ўринбосари Алишер Исломов. – Агентлигимиз ходимларининг кўпчилиги 30 ёшгача бўлган ёшлардан иборат. Шу боис уларнинг маънавиятини, билим ва малакасини ошириш борасида зарур чоралар кўрмоқдамиз. Зеро, юксак маънавиятли, Ватанига ва истиқлол ғояларига садоқатли баркамол ёшларгина бузғунчи кучларнинг таъсирига берилмайди, уларга қарши тура олади.

ОГОҲЛИК — ДАВР ТАЛАБИ

Ҳозирги пайтда жаҳондаги барча мамлакатлар халқаро терроризм, экстремизм ва радикализмга қарши курашиш бўйича саъй-ҳаракатларини бирлаштирмоқда. Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятининг ушбу офатга қарши муросасиз курашини, Марказий Осиёда ва бутун дунёда тинчлик ҳамда барқарорликни таъминлаш борасида олиб борилаётган ишларни тўлиқ қўллаб-қувватламоқда.

Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекциясининг соҳа ходимлари иштирокида ўтган йиғилишида шу ҳақда сўз юритилди. Тадбирда Ўзбекистонда ҳукм сураётган тинчлик-осойишталик, миллатлараро ва динлараро тотувлик, бағрикенглик муҳити истиқлол йилларида мамлакатимиз эришган энг катта ютуқ экани таъкидланди.

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда бу борада самарали қонунчилик, меъёрий-ҳуқуқий база шаклланди, халқаро терроризм, гиёҳванд моддаларнинг ноқонуний айланиши ва одам савдосига қарши курашиш соҳасида давлат стратегиясини амалга ошириш учун зарур ташкилий инфратузилма яратилди. Ўзбекистон Республикасининг «Терроризмга қарши кураш тўғрисида», «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида», «Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида», «Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида»ги қонунлари ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ушбу мақсадларга эришишга қаратилган.

Тадбир иштирокчилари эътиборига террорчи кучлар, диний-экстремистик оқимларнинг ёвузликлари, уларга қарши кураш ҳақида ҳикоя қилувчи ҳужжатли кадрларга асосланган фильм ҳавола этилди.

С.ТОЖИЕВ,
ЎзА мухбири

Ислоҳотлар оқимида

ИЗЛАНИШЛАР НАТИЖАСИ

Мамлакатимизда изчил амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар натижасида ишлаб чиқариш корхоналари фаолияти тубдан яхшиланиб, ички бозор йилдан йилга сифатли ва рақобатбардош маҳсулотлар билан бойимоқда. Илғор ва тежамкор технологиялар боис корхоналарда тайёрланаётган импорт ўрнини босувчи товар ҳажмини ошириш ва аҳоли бандлигини таъминлашга хизмат қилаётгани билан янада аҳамиятлидир.

«Тошкент қувур заводи» қўшма корхонасининг фаолияти бунга яққол мисол бўла олади. «Ўзмонтажмахсускурилиш» уюшмаси тизимидаги ушбу завод ҳозирда замонавий корхона бўлиб, бу ерда дастлаб эллик, олтмиш киши меҳнат қилган бўлса, бугунги кунга келиб жамоада 2000 нафардан зиёд ишчи-хизматчи фаолият кўрсатмоқда.

Республикамиз қурилиш ва ёқилғи-энергетика соҳаси, қишлоқ, сув ҳамда коммунал хўжалиги ташкилотлари, жумладан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг металл қувурга бўлган талаби деярли 70 фоизи мазкур корхона маҳсулотлари ҳисобига таъминланаётгани, ички эҳтиёжни ўзимизда ишлаб чиқарилганлари ҳисобига тўлдириш мақсадида изланаётган, фаолияти кўламини йил сайин кенгайтириб бораётганида акс этмоқда.

Электрпайвандли ва тўғри чокли қувурлар, машинасозлик, қурилиш, мебель ва бошқа соҳалар учун қалинлиги 1,2 мм.дан 4 мм.гача бўлган квадрат ҳамда тўғри тўртбурчакли кесимли қувурлар ишлаб чиқарилади. Кейинги йилларда изланишни давом эттираётган корхонада турли ҳажмдаги қувурлар билан чекланиб қолмай, масалан, профилли тунука, тўлқинсимон шифер, полимер қопламали металл томёпқич ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Ушбу маҳсулотлар йирик қурилиш корхоналари ҳамда истеъмолчиларга етказиб берилмоқда. Ана шу юқори сифатли товар шаҳар ва қишлоқларда бунёд қилинаётган турли иншоот, турар жойларда кенг қўлланилмоқда. Уларнинг янада кўркам ва мустаҳкам бўлишига хизмат қилмоқда.

Айни чоғда корхонада изланишлар жадал давом эттирилмоқда. Сифатли хом ашёдан фойдаланиш, технологияларни такомиллаштириш, жиҳозларни модернизациялаш, илғор инновацияларни қўллаш, маҳсулот турларини кўпайтириш масалаларига катта эътибор қаратилган.

«Ўзстандарт» агентлиги ва «Русский регистр» компанияси, яъни миллий ва халқаро стандартлар талаблари асосида ўтказилган синовларнинг кўрсатишича, қўшма корхонада ишлаб чиқарилаётган қувур ҳамда бошқа маҳсулотлар сифат борасида хорижникидан асло қолишмайди, нархи эса анча арзон. Шу боис, юртимизда бунёдкорлик ишларини амалга ошириш, жумладан, эскирган сув ва газ қувурларини тармоқларини таъмирлашда завод маҳсулотларидан кенг фойдаланилмоқда.

Келгуси истиқбол режалари улкан бўлган корхонада айни кунларда мавжуд қувватлар ёрдамида 2-4 мм.лик қалинликда, кенглиги 320 мм.лик пўлат, иссиқ тахталанган прокат, турли эгилган профиллар ва термик ишлов берилган қувурлар ишлаб чиқариш устида изланишлар давом этаяпти.

Муқаддас УМАРБЕКОВА

КОМИССИЯ ЙИҒИЛИШИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

Унда Жамоат фонди томонидан 2011 йилда эълон қилинган иккита грант танлови якунлари, ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳаларнинг амалга оширилишига доир масалалар муҳокама этилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссияси раиси А.Саидов ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида юртимизда фуқаролик жамияти институтлари тизимида нодавлат нотижорат ташкилотларини ривожлантиришга қаратилаётган кенг қамровли ишлар юксак самаралар бераётганини таъкидлади. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, давлатимиз раҳбарининг қатор фармон ва қарорлари нодавлат нотижорат ташкилотларининг мустақиллигини таъминлаш, ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, фаолиятини ташкилий-ҳуқуқий, моддий-техник жиҳатдан қўллаб-қувватлаш имконини бермоқда.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан мазкур Парламент комиссиясининг тузилиши жамоат ташкилотларини ривожлантиришга давлат бюджетидан ажратилган молиявий маблағларни янада очиқ, ошкора, аниқ йўналтирилган ва демократик асосда тақсимлашга хизмат қилмоқда. Бу эса нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятини иқтисодий жиҳатдан мустаҳкамлашга самарали таъсир кўрсатмоқда. Ўтган вақт мобайнида амалга оширилган ижтимоий лойиҳалар, грант дастурлари, танловлар таълим, маданий-маърифий, ҳуқуқшунослик, соғлиқни сақлаш, экологик йўналишдаги жамоат ташкилотларининг илғор ва ташаббусларини ҳаётга кенг татбиқ этишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

«Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастури доирасида жорий йилда эълон қилинган навбатдаги танловда тўқсонга яқин жамоат ташкилоти ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари ўз лойиҳалари билан иштирок этди. Уларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, ишлаб чиқаришга инновацион технологияларни жорий этишни рағбатлантириш, қишлоқ жойларда янги иш ўринлари яратиш каби долзарб йўналишлар қамраб олинган.

Жамоат фондининг ёш авлодни баркамол этиб вояга етказишга кўмаклашиш, мустақил фикрлайдиган, қатъий фуқаролик позициясига эга йигит-қизларни тарбиялашга қаратилган грант танловида эса юртимиздаги 100 нодавлат нотижорат ташкилотининг лойиҳалари кўриб чиқилди. Ёшларни замонавий касб-ҳунарга ўргатиш, битирувчиларни иш билан таъминлаш, ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш, улар учун муносиб турар жой ва ижтимоий-маиший шароитларни яратиш, болаларнинг истеъдодини эрта аниқлаш, соғлом турмуш тарзи ғояларини мустаҳкам қарор топтириш каби мавзулар мазкур лойиҳаларда ўз асосини топган.

Парламент комиссияси томонидан ҳар икки танлов бўйича жамоат ташкилотлари ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг умумий миқдори 650 миллион сўмлик 46 лойиҳасини қўллаб-қувватлаш ҳақида қарор қабул қилинди.

(ЎзА)

Тадбирда Олий Мажлис Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари, вазирлик ва идоралар раҳбарлари, олимлар ҳамда ОАВ ходимлари иштирок этдилар.

Анжуманда жаҳон ҳамжамиятини ташвишга солаётган иқлим ўзгариши муаммолари, юртимизнинг мўътадил об-ҳаво шароитини сақлаш ҳамда бу борада мамлакатимизда олиб борилаётган ишлар ҳақида йиғилганларга маълумот берилди.

Сўзга чиққанлар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида минтақавий ва глобал экологик муаммоларнинг олдини олиш ҳамда ишлаб чиқариш тизимига экологик соф технологияларни жорий этишга қаратилаётган эътибор юксак самаралар бераётганини таъкидлаб ўтдилар. Шу ўринда 2008 йил 19 сентябрдаги «2008-2012 йилларда Ўзбекистон Республикасининг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ишлари дастури тўғрисида»ги 212-сонли Қарори ишлаб чиқилгани ва шу асосда атроф-муҳитга салбий таъсир кўрсатаётган иссиқлик газлари эмиссиясини камайтириш бўйича қатор лойиҳалар амалга оширилиб, кимё корхоналарини реконструкция қилиш, ҳавога чиқарилаётган зарарли газларни камайтириш, экологик соф энергия манбааларидан фойдаланишни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётганини айтиб ўтиш аҳамиятлидир.

Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Гидрометеорология хизмати маркази билан ҳамкорликда «Иқлим ўзгариши: Ўзбекистон фаолиятида устувор вазифалар» мавзусида матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Анжуманлар

ЛОЙИҲАЛАР САМАРАСИ ВА ГАЛДАГИ ВАЗИФАЛАР

Анжуман давомида иқлим ўзгариши муаммолари ва унга мослашиш йўллари, юртимизда иссиқлик газларини камайтириш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар самаралари, табиий мувозанатни асраш, инсон саломатлигини муҳофазалаш, қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш бўйича бажарилаётган лойиҳалар натижалари ва келгусидаги вазифаларга бағишланган маърузалар тингланди.

Шунингдек, анжуман иштирокчилари мамлакатимизда иқлим ўзгариши шароитларида жамоатчиликни кенг хабардор қилиш, кадрлар тайёрлаш, тарғибот ва ташвиқот ишларини кучайтириш каби масалалар муҳим аҳамият касб этишини алоҳида таъкидлаб ўтдилар. Ушбу йўналишда ҳам маълум фаолият олиб борилмоқда. Шу билан бирга анжуманда умумтаълим мактаблар, академик лицейлар, касб-ҳунар коллежлари ва олий ўқув юртларида таълим олувчилар учун «Иқлим ва биз» ўқув қўлланмаси иккинчи нашрининг тақдимоти бўлиб ўтди, экологик таълим бўйича қатор илмий-оммабоп ва ўқув услубий маълумотларни жамлаган CD-дисклар тарқатилди.

Тадбир сўнгида соҳа вакиллари ҳамда ОАВ ходимлари ўзаро фикр алмашдилар ва журналистлар ўзларини қизиқтирган саволларга батафсил жавоб олдилар.

Равшан ЮНУСОВ

ИНТЕРНЕТ ОРҚАЛИ ВИДЕОАНЖУМАН АЛОҚАСИ

«East Telecom» масъулияти чекланган жамияти телекоммуникациялар бозорида мижозлар учун интернет орқали янги видеоанжуман алоқаси (WEB ВКС) хизмат турини тақдим этди. У бизнес ва хусусий шахслар учун кенг имкониятлар яратади.

Мамлакатимизда ахборот технологиялари юқори суръатлар билан ривожланмоқда. Интернет хизматларидан фойдаланувчилар сафи тобора кенгаймоқда. Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастурининг қабул қилиниши ишбилармонлар учун янги имкониятлар яратди.

Бу жараёнда бутун дунёни ягона ахборот тармоғи билан боғлайдиган ахборот технологияларининг ўрни беқиёс. Замонавий технологиялар орқали тақдим этилаётган янги коммуникация имкониятлари бизнес бўйича турли жойлардаги ҳамкорларга ўзаро маслаҳатлашиш ва ахборот алоқаларини енгиллаштириш имконини бермоқда. Хизмат сафарлари ва маслаҳатлашиш учун бошқа минтақаларга бориш фирмалардан анча маблағ сарфлашни талаб қиларди, ахборот технологияларининг ривожланиши натижасида бундай аҳволга барҳам бериш имконияти туғилди. Яратилган янги ахборот тармоқлари, коммуникация имкониятлари ва замонавий дастурлар таъминоти ана шу мақсадларга хизмат қилмоқда.

– Ўзбекистонда видеоанжуман алоқаси хизматидан кўпдан буён фойдаланиб келинмоқда, – дейди «East Telecom» масъулияти чекланган жамиятининг абонентлар бўлими менежери Ирина Капитонова. – Биз ҳозирча ушбу хизматни интернет орқали WEB ВКС форматида тақдим этаётган ягона оператор ҳисобланамиз.

2003 йилда ташкил топган «East Telecom» МЧЖ компанияси Ўзбекистондаги йирик алоқа операторларидан бири бўлиб, хусусий шахслар ва корпоратив мижозларга кенг турдаги юқори сифатли маҳаллий, шаҳарлараро ва халқаро телефон алоқаси хизматларини таклиф этмоқда.

Р.БОНДАРЧУК,
ЎзА мухбири

Иқтисодиёт

МАҲАЛЛИЙЛАШТИРИШ ДАСТУРИ АСОСИДА

Кичик бизнеснинг ихчам ва ҳаракатчанлиги, бозор ўзгаришлари ва истеъмолчилар эҳтиёжига нисбатан тез мослаша олиши, янги иш ўринлари яратишда, сифатли ва рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришда, экспорт ҳажми ошишида муҳим ўрин тутмоқда.

Масъулияти чекланган жамияти шаклидаги «Моян-текс» қўшма корхонаси ҳам соҳадаги шаклланаётган соғлом рақобат муҳити туфайли фаолияти давомида ўз маҳсулотлари билан нафақат ички, балки ташқи бозорда ҳам ўрнини топишга интилаётганлиги боис ишлаб чиқариш ҳажми ортиб бормоқда. Россиялик ҳамкорлар билан шериклиқда иш юритаётган қўшма корхонада бир йиллик ўртача айланма маблағ ҳажми 1.500 миллион сўмликдан зиёдни ташкил этади. Тайёрланаётган маҳсулотнинг маълум қисми қўшни давлатларга экспорт қилинаётгани корхона муваффақиятидан далолат.

Корхона юксак унумли дастгоҳ ва ускуналар билан жиҳозланганлиги боис, маҳаллий хом ашёдан трикотаж кийим-кечаклар ишлаб чиқаришда яхши натижаларга эришилмоқда. Уларнинг харидоргирлигини таъминлашда ҳозирда 70 нафардан зиёд малакали ишчи-хизматчи, қўли гул тикувчи, моҳир модельер-дизайнчиларнинг доимий изланишлари қўл келмоқда.

Кийим-кечаклар мавсумий тикилади. Уларга ранглар алоҳида танланади, бунда матонинг сифатига бевосита эътибор қаратган ҳолда иқлим ўзгаришлари ҳисобга олинади. Мижозларнинг хоҳиш-истаги асосида корхонанинг етакчи мутахассислари янги лойиҳаларни тавсия этишади. Эртанги кунини бугун яратишга интилаётган қўшма корхонада жорий йил охиригача бир нечта фирмали дўкон ишга туширилади.

Маҳаллийлаштириш дастури асосида иш юритаётган «Моян-текс»чилар самарали меҳнат қилишлари учун қўшма корхонада етарли шароит яратилганлиги ҳам эътиборга лойиқ.

Муҳаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА

Маънавият — акл кўзгуси

Маънавият мустақиллик пойдеворини мустаҳкамлашнинг, уни янада барқарорлаштиришнинг зарур омилларидан биридир. Юртбошимиз Ислом Каримов «Юксак маънавият – енгилмас куч» асарида маънавиятга янада ёрқинроқ таъриф берган: «Маънавият инсонни руҳан покланиш, қалбан улғайишга чорлайдиган, одамнинг ички дунёси, иродасини бақувват, иймон-эътиқодини бутун қиладиган, виждонини уйғотадиган беқиёс куч, унинг барча қарашларининг мезонидир».

Маънавият тарғибот марказларида

ЭЗГУ МАҚСАД ЙЎЛИДА

Бугунги кунда мамлакатимизда ёш авлодни маънавияти юксак, ҳар томонлама комил инсон бўлиб вояга етишлари, уларни она Ватанга меҳр-муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялашда жойларда фаолият олиб бораётган Маънавият тарғибот марказларининг ҳиссаси диққатга сазовор бўлмоқда.

— Президентимизнинг 2006 йил 25 августдаги «Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги Қарори ижросини таъминлаш юзасидан туман Маънавият ва маърифат Кенгаши ҳамда Маънавият тарғибот бўлими томонидан тадбирлар режаси ишлаб чиқилган, — дейди биз билан суҳбатда Маънавият тарғибот марказининг Мирзо Улуғбек туман бўлими раҳбари Дилафрўз Жуманиязова. — Аҳоли, айниқса ёшлар онгига миллий ғоя ва мафкура тушунчаларини сингдириш, ғояга қарши ғоя, жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш, диний ақидапарастлик, миссионерлик каби салбий ҳолатларнинг олдини олиш, тарғибот-ташвиқот ишларини янада жонлантириш мақсадида маҳаллаларда, корхона ва ташкилотларда, олий ва ўрта махсус ўқув масканларида долзарб мавзуларда давра суҳбатлари, учрашувлар, маънавий-маърифий тадбирлар ўтказиб келинмоқда. Жумладан, «Аждодлар ёди –баркамол авлод қалбида», «Ёшлар ўртасида жиноятчилик ва миссионерликнинг олдини олиш», «Ўзбекистон ёшлари жиноятчилик, ҳуқуқбузарлик ва гиёҳвандликка қарши», шунингдек, «Маънавиятга таҳдид — келажагимиз, ўзлигимизга таҳдид», «Огоҳлик — давр талаби», «Диний ақидапарастлик ва миссионерликнинг салбий оқибатлари», «Инсон ҳуқуқлари — энг олий қадрият», «Гиёҳвандлик — умр заволи», «Ўқувчи-ёшларни гиёҳвандлик балосидан асрайлик» мавзуларида соҳа мутахассислари билан ўтказилган маънавий-маърифий учрашувлар, давра суҳбатлари савол-жавоблар, баҳс-мунозараларга бой тарзда қизиқарли ўтди.

Шу билан бирга Президентимиз асарлари, фармон ва қарорлари, маърузаларида белгиланган вазифалар ҳамда республикамизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан қабул қилинаётган қонунларнинг мазмун-моҳияти аҳоли ўртасида мунтазам равишда кенг тарғиб этилмоқда. Бундан ташқари Маънавият тарғибот бўлими томонидан «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастури ижроси юзасидан жойларда маънавий-маърифий тадбирлар уюштирилди. Юртимизда олиб борилаётган сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий, ижтимоий соҳадаги ислоҳотларнинг моҳиятини тарғиб ва ташвиқ қилиш, маънавий-маърифий ишларни янада яхшилаш, диний ақидапарастликнинг олдини олиш, маҳалла ва фуқаролар йиғинлари фаолиятини такомиллаштириш, аҳолининг сиёсий-ҳуқуқий маданиятини юксалтириш борасида соҳа мутахассислари, профессор-ўқитувчилар, ёш тарғиботчилар, адабиётшунос олимлар, ёзувчи ва шоирлар иштирокида тадбирлар, давра суҳбатлари ташкил қилинди. Жорий йил бошидан буён таълим масканларида, маҳаллаларда, корхона ва ташкилотларда хотин-қизлар қўмитаси, «Камолот» ЁИҲ билан ҳамкорликда Президентимизнинг аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш борасидаги қарори ижросини таъминлаш мақсадида «Соғлом она – соғлом бола», «Оилада саломатлик» мавзуларида тадбирлар ўтказилди. Шунингдек, «Ўзбекистон — Ватаним маним», «Ватан саждагоҳ каби муқаддас», «Миллат ва маънавият», «Ёшлар маънавияти», «Аёлларнинг ижтимоий соҳадаги ўрни» ва бошқа мавзуларда ўтказилган маънавий-маърифий тадбирлар ёшлар тарбиясида муҳим омил бўлмоқда.

Зеро, маънан етук, баркамол шахсни камолга етказиш бугунги куннинг энг устувор вазифаси саналади.

Гулором ҲАМИДОВА

МАЪНАВИЯТИМИЗ КЎЗГУСИ

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида «Тил, тараққиёт, маънавият» мавзуида маънавий-маърифий тадбир бўлиб ўтди.

Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси марказий кенгаши, мазкур партиянинг Олий Мажлис қонунчилик палатасидаги фракцияси, Республика Маънавият тарғибот маркази ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда қонунчилик палатаси депутатлари, тилшунос олимлар, маънавият тарғиботчилари, олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари, талаба-ёшлар иштирок этди.

Олий Мажлис қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосари У.Муҳаммадиев, Республика Маънавият тарғибот маркази раҳбари Ғ.Мирзаев, Ёзувчилар уюшмаси раисининг биринчи ўринбосари, Ўзбекистон халқ шоири С.Саййид ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида халқимиз маънавиятини юксалтириш, миллий анъана ва қадриятларимизни асраб-авайлаш, ёшларни ватанпарварлик руҳида камол топтириш борасида амалга оширилаётган изчил ишларда она тилимизни янада равнақ топтириш масаласи муҳим ўрин тутишини алоҳида таъкидладилар.

Мустақиллик йилларида ўзбек тилининг ҳаётимиздаги ўрни ва таъсирини кучайтириш йўлида улкан ишлар амалга оширилди. Бунинг самараси ўлароқ, она тилимиз бебаҳо маънавий-маданий мерос, умуммиллий бойлик сифатида қадр ва эъзоз топди. Тилимизнинг софлигини сақлаш, бой имкониятлари, жозибаси ва бетакрор гўзаллигини тадқиқ этишга доир кенг кўламли илмий изланишлар олиб борилмоқда, луғатлар чоп этилмоқда. Айни пайтда жаҳоннинг нуфузли университетлари, тилшунослик марказларида ўзбек тили кенг ўрганилмоқда.

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, корхона, муассаса ва ташкилотларда иш юритиш, ҳисоб-китоб, статистика ва молия ҳужжатлари давлат тилида олиб борилмоқда. Юртимизда истиқомат қилувчи бошқа миллат вакилларига ўзбек тилини ўргатиш ва ўқитиш бўйича кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Тадбирда жойлар, муассасалар ва транспорт воситаларидаги ёзувлар, лавҳалар, реклама маҳсулотлари, барча турдаги ахборот ва тарғибот материалларининг миллий қонунчилик ҳужжатларига мос бўлишини таъминлаш масаласи долзарб аҳамият касб этаётгани таъкидланди.

Маданиятимиз ва маънавиятимиз асоси, миллий ўзлигимиз кўзгуси бўлмиш она тилимизни асраб-авайлаш, бу борадаги қонунлар ижросини таъминлаш юзасидан депутатлик, парламент ва жамоатчилик назоратини янада кучайтириш зарурлигига алоҳида эътибор қаратилди.

Назокат УСМОНОВА,
ЎзА мухбири

В. Гранкин олган сурат

ҚОҒОЗ ҚАДРИ

Қоғоз кашф этилгунга қадар ижодкорлар қалб қўрларини япроқларга, пўстлоқларга, ҳайвонлар териларига ёзиб келишганини биламиз. Муқаддас китобларимиздан бири «Қуръони карим» ҳам терига ёзилган.

Кейинчалик қоғоз Чин (Хитой) мамлакатида, ўзимизнинг Самарқанд шаҳрида пайдо бўлди. Қадимдан қоғоз қадрланиб, у покиза сақланган. Қоғозда каломимиз ёзилгани учун «муқаддас» ҳисобланади.

Арабчами, қайси тилда бўлсин араб ҳарфларида ёзилган китоблар махсус ғилофларга (мато, бахмаллар, шойилардан тикилган) солиб юриларди. Авайлаб варақланар, китоб қўйиб ўқиладиган «лавҳ»ларга қўйиб, тоза жойларда ўқиларди. Бу китоблар албатта қўлни ювиб ўқилар экан. Шундай ҳолатларни неча бор кўрганман болаликдан. Бизга қоғоз, китоб, қандай ўқиш ҳақида ота-онамиз, катталар тушунтирарди.

Қоғоз қадрини ўтмишда яхши билишган. Архивларни кўриб чиққанимда рус княз (Тошкентда қирқ йилча яшаган)ларидан бири Н. Романов қоғоз тополмаганидан турли хил қийқим, чиқинди қоғозлардан фойдаланиб, (конверт, папирос қоғози (сигаретга шеър, дил сўзларини ёзган экан. (XIX-XX аср).

Маълумотлардан билишимизча, машҳур рус шоири Александр Пушкин «Евгений Онегин» поэмасини ёзаётганида илҳоми кечаю-кундуз жўшиб, охири қоғоз тополмапти. Кечаси илҳоми келганда (на қоғоз, на қалам бор) излаб-излаб бир паррак кўмир билан деворга ёзибди. Қоғоз мамлакати ҳисобланган Чин ўғлони Қайсар Юн Су қоғоз танқислигидан ер чизиб саводи чиққан экан. Ҳа, кези келганда қоғоз, қалам топилмаганда бир дона чўп билан ҳам ерга ёзиб саводини чиқарганлар бўлган.

Мактабга ака-ука (акам Абдулла) қатнарканмиз, йўл-йўлакай бир варақ қоғоз топиб олсак, дарров олиб севинардик. Ёзиб бўлинган дарслик дафтарларда ёзилмаган варақлари бўлса уларни бир-бирига тикиб, дафтар ҳолига келтириб, дарсда фойдаланардик. Дарсликлар, айниқса китоб, дафтар, қаламлар етишмасди. Ёзишда пероли ручка, сиёҳ (сиёҳдонимиз бўларди) бўлиб, матодан тикилган жилдимизга дарсликларни жойлаб келардик.

40-50-йилларда чиққан дафтарлар орқасига «Кўрсатилган нархдан қиммат сотганни қонунга мувофиқ жазога тортилсин» деб ёзиб қўйиларди. Қоғоз шунақа қадрланар эдики, мактабга борганимизда дафтари йўқларга икки варақдан қоғоз улашиларди. Умуман қоғоз исрофгарчиликларига йўл қўйилмасди. У пайтларда асосан қоғоз китоб чиқаришга сарфланиб, саноқли газет ва журналлар чиқарди.

Эндиликда жуда кўп қоғозлар турли жойларда исроф бўлмоқда. Бир тарафи ёзилган, иккинчи тарафи бўш қоғозларнинг исроф бўлаётганини кўрганимда ачиниб кетаман. Қўлимга тушиб қолса, қувона-қувона фойдаланаман. Шундай қилсак тежаган бўламиз-ку? Невараларимни ҳам қоғозни исроф қилмасликка, ахлатга ташлаб юбормасликка ўргатаяпман. «Зар қадрини заргар билади» деганларидек, ижодкорлар қоғоз қадрини яхши билишади. Демоқчиманки, фарзандларимизга, набираларимизга қоғозни исроф қилмасликни болалигидан ўргатмоқ зарур. «Қуш уясида кўрганини қилади» деб бежиз айтилмайди. Биз, катталар ёшларга ибрат бўлмоғимиз керак.

Маҳмуд АҲМЕДОВ,
санъатшунос

Бузадиган ҳам, тузадиган ҳам сўз дейишади, чиндан ҳам шундай. Эрталаб уйдан қандайдир тушкун кайфиятда кўчага чиқдингиз, негадир кўнглингизга қил ҳам сиғмайди. Қаршингиздан чиққан бир қадрдонингизнинг самимий илтифоти, икки оғизгина ширин сўзи кайфиятингизни кўтариб, кўнглингиздаги ғуборларни тарқатиб юборади.

ИККИ ОҒИЗ ШИРИН СЎЗ ҚУДРАТИ

Ёки...Анчадан бери кўришмай юрган танишингизнинг бефаросатлик билан «Рангларингиз сарғайиб кетибди-я, бетобмисиз?» — деган гапи сизни чиндан ҳам беморга айлантириб, соғлиғингизга путур етказади. Биз баъзан билиб-билмай, қадрига етиб-етмай ишлатадиган сўзнинг қадри эса жуда баланд туради. Дунёда ҳамма нарсанинг уволи бўлганидек, сўзнинг ҳам уволи бор.

Сўзни увол қилиб кимнингдир кўнглини ранжитгандан кўра, баъзан сукут сақлаш ҳам афзалроқдир. Ёшингиз ўтиб боргани сари атрофлича фикр-мулоҳаза юритиб, гапирадиган гапингизни ўйлаб, иложи борича бировнинг дилини оғритмасликка ҳаракат қилиб қолар экансиз. «Бир кўнгил иморати — минг Макка зиёрати» деган гап бор. Кўнгилни кўтариш ҳам, кўнгил ойнасини чил-чил қилиш ҳам қийин иш эмас. Бир оғизгина ширин сўз кўнгил Каъбасини обод қилиш, бир оғиз аччиқ сўз, ҳаттоки бир қаҳрли нигоҳ билан бир беозор қалбни яралаб кўйиш мумкин. Бунинг учун биз «суяксиз тил»имизга жуда эҳтиёткор бўлмоғимиз лозим. Биз томоғимизни ҳаром луқмалардан тақво қиламиз-у тилларимизни эса ғийбатдан, таъмадан, гинадан тақво қилмаймиз. Аслида эса ғийбатлардан тийилиб жуда бўлмаганда гуноҳкор бўлишдан сақланайлик. Таниқли бир журналист шундай ҳикоя қилади: «Бир куни водий туманларидан бирига таклиф этилдим. Учрашув маданият саройига белгиланган экан. Ташкилотчи азаматлар 500 киши сиғадиган хонага мингга яқин одамни саржиндай тахлаб ташлашибди. Қаторлар орасидаги гилам пояндоз солинган йўлкаларга ҳам ўтириб олишган, тикка турганлар ҳам кам эмас. Шунча одамни қандай оғзимга қаратаман, шарманда қилмагин, дейман ичимда. Сахнага кўзим тушди-ю...девор ва саҳнага гиламларни қалаштириб илиб, тўшаб ташлабдилар. Саҳна ўртасига эса Худоёрхоннинг тахтидай кресло қўйилган, унга ҳам гилам тўшалган. Шоҳсупада қандай ўтираман, ваҳима тушди юрагимга. Саҳнага чиқадиган зиналарга ҳам гилам тўшалган. Мен бу зиналардан қандай қилиб юқорига чиқиб оламан, деб ўйлаган эдим, хавотирим бекор экан, эсон-омон саҳнага чиқиб олдим. Учрашув бошланди. Суқсурдай йигит ва булбулзабон қиз туман ҳокимини сўзга чорлашди. Ўрта бўйли миқтигина, ёши қирқлардан ошган истарали ҳоким йигит залнинг ўртарағидан саҳнага қараб юра бошлади. Юзларининг қизиллигидан ҳаяжонланганлиги сезилиб турибди, қўлида эса катта гулдаста.

Залда тумонат тикилиб турибди, бунинг устига қўлидаги ҳар донаси бир қулоч келадиган гулдаста ерни кўргани кўймайди. Саҳнага етишига битта зина қолганда, ...унинг оёғи гиламга илиниб, қоқилиб кетиб, юз тубан йиқилди. Нега келдим-а, келмай ўлай. Нима қилиш керак, деган гап миямга токдай урилди...Ҳоким саҳнанинг қирғоғи бўйлаб, «гуп» этиб юзи билан йиқилди, гуллари саҳна бўйлаб сочилиб кетди. Чақин тезлигида микрофоннинг олдига учиб бордиму, нима деябман денг. «Э, ўлибманми, шунча йўлдан келиб битта ҳокимни ағанатиб кетмасам!» Бу гап шунақанги жарангладики, зал бир зум нима деганимни тушунолмай турди, сўнг бирдан англади-ю, гуруллаган кулгу ва чапак бўлиб кетди. Шу чапак, қий-чувнинг ичида ҳоким эсон-омон ўрнидан туриб олди ва у ҳам шошиб микрофонга келди-да: «Мен ҳам шу опа келсалар, бир оёқларига йиқилай девдим-да», деди. Зал яна ҳам гулдурос қарсак чалиб юборди. Ўша кундаги учрашув шунчалик ёқимли ўтдики, ҳамманинг чеҳрасида табассум, самимият балқиб турарди. Шу куни бизни Оллоҳнинг ўзи қўллади, бундан ташқари биз у ерга яхши ният билан борган эдик. Ният ҳамиша сўз билан ифодаланади ўша куни яхши ниятимиз ўзимизга ҳамроҳ бўлган эди. Сўз деб аталмиш неъматнинг синоати эса ҳамиша қадрлидир.

Азиз замондошим! Бу беш кунлик дунёда барчамизга бир-биримиз учун бир чимдим меҳр илиниш, икки оғиз ширин гап айтиш, меҳр-оқибат кўрсатиш насиб этсин! Дунёни эса гўзаллик, эзгулик, яхши ниятва ширин сўз қутқаради.

Гулчеҳра КАРИМОВА

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Тошкент шаҳар Архитектура ва қурилиш бош бошқармаси барча тадбиркорлик субъектларини, шу жумладан, кичик бизнес вакиллари ҳамда хусусий тадбиркорларни очиқ танлов САВДОЛАРГА ТАКЛИФ ЭТАДИ.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 майдаги «Тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун юридик ва жисмоний шахсларга танлов асосида ер участкалари беришни такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 147-сонли қарорига асосан, Тошкент шаҳрида тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун юридик ва жисмоний шахсларга қуйидаги ер участкаларининг узоқ муддатли ижара ҳуқуқи танловга қўйилади:

1. Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси қуриш учун Тошкент шаҳри, Бектемир тумани, «Сувчи» мавзеси, Оҳангарон шоҳ кўчасида жойлашган майдони 0,06 гектарли ер участкасининг узоқ муддатли ижара ҳуқуқи.

2. Автохўжалик корхонаси (таркибида маъмурий-маиший бино (АБК), диагностика маркази, автомобилларга техник хизмат кўрсатиш ва ювиш мажмуаси, автогараж, ёрдамчи бинолар бўлган) қуриш учун Тошкент шаҳри, Бектемир тумани, М.Авезов кўчасида жойлашган майдони 0,7 гектарли ер участкасининг узоқ муддатли ижара ҳуқуқи.

3. Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси қуриш учун Тошкент шаҳри, Сергели тумани, Дўстлик-2 мавзеси, Дўстлик кўчасида жойлашган майдони 0,04 гектарли ер участкасининг узоқ муддатли ижара ҳуқуқи.

4. Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси қуриш учун Тошкент шаҳри, Сергели тумани, Қорайўл кўчасида жойлашган майдони 0,18 гектарли ер участкасининг узоқ муддатли ижара ҳуқуқи.

5. Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси қуриш учун Тошкент шаҳри, Сергели тумани, Қорайўл кўчасида жойлашган майдони 0,24 гектарли ер участкасининг узоқ муддатли ижара ҳуқуқи.

6. Ишлаб чиқариш корхонаси (қурилиш материаллари) қуриш учун Тошкент шаҳри, Сергели тумани, Саъдий кўчасида жойлашган майдони 0,30 гектарли ер участкасининг узоқ муддатли ижара ҳуқуқи.

7. Маъмурий, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси қуриш учун Тошкент шаҳри, Сергели тумани, А.Ахматова кўчасида жойлашган майдони 0,40 гектарли ер участкасининг узоқ муддатли ижара ҳуқуқи.

8. Автомобилларга техник хизмат кўрсатиш ва ювиш мажмуаси қуриш учун Тошкент шаҳри, Сергели тумани, Сергели-5 мавзеси, Тошкент ҳалқа автомобиль йўлида жойлашган майдони 0,40 гектарли ер участкасининг узоқ муддатли ижара ҳуқуқи.

Манзил: Тошкент шаҳри, Шайхонтохур тумани, Навоий кучаси, 2а-уй.

Мурожаат учун телефон: 241-95-42.

Изоҳ: Юқорида кўрсатиб ўтилган ер участкалари бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 31 декабрдаги 292-сонли қарорига асосан тегишли ҳужжатлар расмийлаштирилганидан сўнг, қўшимча равишда оммавий ахборот воситаларида белгиланган тартибда эълон берилади.

«KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!

1. Аукцион савдосига Сергели тумани СИБ томонидан, 2011 йил 12 майдаги 1-3937/11-сонли ижро ҳужжатига асосан, Ганиев Раҳим Раҳманбердиевичга тегишли бўлган Тошкент шаҳар, Ҳамза тумани, Кашшоф кўчаси, 1-тор, 30-уй, умумий ер майдони юридик ҳужжат бўйича 510,0 кв.м. ҳақиқий фойдаланиш ер майдони 525,0 кв.м., қурилиш майдони 203,25 кв.м. яшаш учун мўлжалланган 6 та хона, бостирма ошхона ва 2 та ертўла, ҳожатхона, ювиниш хонадан иборат бўлган уй-жой табиий газ, электр энергия ва ичимлик суви билан таъминланган, фойдаланиш учун яроқли кўчмас мулк объекти қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси – 100 000 000 сўм.

2. Аукцион савдосига Сергели тумани СИБ томонидан, 2011 йил 24 мартдаги 10-1115/322-сонли ижро ҳужжатига асосан, **«Транснет Савдо» МЧЖ**га тегишли бўлган Тошкент шаҳар, Сергели тумани, Жанубий Саноатчилар ҳудудида жойлашган, умумий ер участкаси майдони 74061,0 кв.м. бўлган, шундан бино-иншоотлар 3311,0 кв.м. цех биноси (Блок А 105,0 кв.м.), кукерс биноси (Блок Б 23,0 кв.м), омборхона биноси (Блок В 156,0 кв.м), компрессор қилиш биноси (Блок Е 35,0 кв.м), пар ишлаб чиқариш биноси (Блок Ж 24,0 кв.м), ГРП биноси (Блок И 30,0 кв.м), кукерс биноси (Блок Л 37,0 кв.м), дам олиш хонаси (Блок О 21,0 кв.м), икки қаватли маъмурий бино (Блок Н 1120,0 кв.м), омборхона биноси (Блок Д 1669,0 кв.м., Блок К 68,0 кв.м), кириш даврвозаси бино (Блок М 23,0 кв.м) бўлган кўчмас мулк объектлари қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси – 1 080 000 000 сўм.

Аукцион савдоси 2011 йил 21 ноябрь куни соат 12:00 да бўлиб ўтади.

Савдога қўйилган мол-мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига бир кун қолганда тўхтатилади.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда «КМСХ» МЧЖнинг «Ипак йўли банки» ОАИТБ Сағбон ф-даги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000904920609114, МФО:01036, ИНН:207122519. Манзил: Тошкент ш., Олмазор т., 1-Қорақамиш кўчаси, 1-А-уй. Тел: 228-79-52.

Лицензия: RR-0001

Спорт янгиликлари

Чирчиқ шаҳридаги «Жалолиддин Мангуберди» спорт мажмуасида ўтказилган ёзги биатлон бўйича Осиё очиқ чемпионати якунланди.

ЎЗБЕКИСТОН БИАТЛОНЧИЛАРИНИНГ МУВАФФАҚИЯТИ

Беш кун давом этган мазкур чемпионатда Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоларидан ташқари, Жанубий Корея, Россия, Ҳиндистон, Чехия, Қозоғистон ҳамда Қирғизистон давлатларидан келган спортчилар ўзаро куч синашди.

Мамлакатимизда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида ёш авлодни баркамол инсонлар этиб тарбиялаш, уларнинг жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам шуғулланиши учун қулай шарт-шароит яратиш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар ўзининг юксак самараларини бермоқда. Бу борада Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти ҳамда унинг Техник ва амалий спорт турлари маркази томонидан ўтказилаётган турли спорт беллашувлари юртимиз ёшларининг халқаро мусобақаларга тайёргарлигини янада яхшилаш, юртимизда спортнинг техник ва амалий турларини ривожлантириш ҳамда оммавийлигини оширишга хизмат қилмоқда.

Юксак савияда ўтган ёзги биатлон бўйича Осиё очиқ чемпионатида Ўзбекистон миллий терма жамоаси юқори натижаларга эришди.

– Мазкур нуфузли мусобақада ғолиб бўлганимдан хурсандман, – дейди чемпионатнинг олтин медаль соҳиби Руслан Носиров. – Биз, спортчиларнинг мана шундай халқаро мусобақаларда Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилишимизда яратилган шарт-шароитлар, мамлакатимизда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришга қаратилаётган алоҳида эътибор ва ғамхўрлик муҳим омил бўлмоқда.

Қизғин ва муросасиз кечган баҳсларда ўсмир қизлар ва қизлар ўртасида ҳамюртларимиз Марина Хмелевская, Дармонжон Рўзматова, Дилафрўз Имомҳусанова, Алина Аюпова, ўсмирлар ва эркаклар ўртасида Руслан Носиров, Жамшид Тиллаев, Аликбер Юнусов, Икром Аҳмадбоевлар муваффақиятли иштирок этди.

Шунингдек, қизлар ўртасида қозоғистонлик Галина Вишневская, Наргиз Игликова, Жанубий Корея вакиласи Ким Кюунгнам, чехиялик Счорна Матясова Павла, эркаклар ўртасида қозоғистонлик Диас Кенешев, россиялик Александр Дедюкинлар ўз терма жамоаларига медаллар тақдим этди.

Чемпионатда умумжамоа ҳисобида Ўзбекистон миллий терма жамоаси бешта олтин, бешта кумуш ва тўққизта бронза медалини қўлга киритиб, биринчи ўринни эгаллади. Иккинчи ва учинчи ўринларни Қозоғистон ва Россия биатлончилари эгаллади.

Л.СУВОНОВ,
ЎзА мухбири

«БУНЁДКОР» — ЎЗБЕКИСТОН ЧЕМПИОНИ!

Тошкентнинг «Бунёдкор» жамоаси футбол бўйича Ўзбекистон XX миллий чемпионати олий лигасида муддатидан олдин чемпионликка эришди.

Миржалол Қосимов шогирдлари йигирма учинчи турда ўз майдонида Фарғонанинг «Нефтчи» жамоасини қабул қилди. Учрашув «Бунёдкор» футболчилари устунлигида ўтган бўлса-да, Юрий Саркисян шогирдлари мустаҳкам ҳимояланиб, деярли бир соат давомида ўз дарвозаси дахлсизлигини сақлади. Аммо иккинчи бўлим ўрталарида «Нефтчи» ҳимоячиларини доғда қолдирган истеъдодли ҳужумчи Камолиддин Мурзоев учрашувдаги ягона голга муаллифлик қилди.

Ушбу ғалабадан сўнг жами 58 очко жамғарган «Бунёдкор» чемпионат якунланишига уч тур қолганида чемпионликни нишонлади. Тўртинчи маротаба миллий чемпионатда ғолиб чиққан «Бунёдкор» жамоаси келаси йили Осиё чемпионлар лигасида юртимиз шарафини ҳимоя қилиш ҳуқуқига ҳам эга бўлди.

Энди барчанинг эътибори кумуш медаль учун бўладиган рақобатга қаратилади. Бу соврин учун курашаётган «Пахтакор» ва «Насаф» жамоалари йигирма учинчи турда Қаршида ўзаро куч синашиши лозим эди. Лекин «Насаф»нинг Осиё футбол конфедерацияси кубоги мусобақасининг ярим финалида тўп сураётгани боис миллий чемпионат ўйини кечиктириладиган бўлди. Ҳозирча қаршилик чарм тўп усталари 45 очко билан иккинчи поғонани банд этган бўлса, «пахтакор»чилар 44 очко билан учинчи ўринда.

Тўртинчи поғонада турган «Нефтчи» футболчиларининг бу галги мағлубиятидан унумли фойдаланган Муборакнинг «Машъал» жамоаси очколар ҳисобида фарғоналикларга етиб олди. «Машъал» вакиллари ўз мухлислари кўз ўнгида «Андижон» дарвозасига жавобсиз тўртта тўп киритди ва очколари сонини 37 тага етказди.

Қолган учрашувларда қуйидаги натижалар қайд этилди: «Сўғдиёна» (Жиззах) – «Олмалиқ» (Олмалиқ) 5:2, «Металлург» (Бекобод») – «Шўртан» (Ғузор) 1:1, «Бухоро» (Бухоро) – «Қизилқум» (Зарафшон) 2:1.

Мусобақа жадвалида энг қуйи поғоналарга тушиб қолган «Қизилқум», «Динамо» ва «Сўғдиёна» футболчилари олий лигадаги ўрнини сақлаб қолиш учун курашмоқда.

Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ,
ЎзА шарҳловчиси

Анжуманлар

АҲОЛИ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ЙЎЛИДА

Пойтахтимизда Фавқулодда вазиятлар вазирлиги томонидан Халқаро табиий офатлар хавфини камайтириш кунига бағишланган матбуот анжумани ўтказилди.

Мамлакатимизда табиий офатлар оқибатларининг олдини олиш, фавқулодда вазиятлар рўй берган жараёнда одамларнинг тўғри йўл тутишларини таъминлаш мақсадида Юртбошимиз раҳнамолигида қатор қонунлар ишлаб чиқилаётир. Шунингдек, халқаро ташкилотлар, жумладан, БМТ Болалар Жамғармаси Ваколатхонаси, Европа Комиссияси Гуманитар Ёрдам департаменти ва бошқалар билан яқиндан ҳамкорлик алоқаларининг ўрнатилиши эса, олдимизга қўйган мақсадларнинг янада самарадорлигини таъминламоқда.

Статистик маълумотларга кўра, турли хилдаги офатлар, яъни зилзилалар, цунами, тўфон, торнадо, сув тошқинлари, кўчки, сел, қор кўчиши ва вулқон отилишларининг рўй бериши натижасида охирги ўн йил давомида дунё бўйича 780 мингдан ортиқ инсонлар ҳалок бўлган.

Бўлиб ўтган тадбирда шу ва бошқалар ҳақида сўз борар экан, БМТ Болалар Жамғармасининг Тошкентдаги ваколатхонаси раҳбари жаноб Жан-Мишель Дельмот оммавий ахборот воситалари ходимларига бу борада ўзининг фикр-мулоҳазаларини билдириб ўтди.

– Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ҳамда ЮНИСЕФ ҳамкорлигида табиий офатлар юз берганда аҳоли, айниқса, болалар ва аёллар таҳликасини камайтиришга қаратилган тўрт йиллик дастур тузилган бўлиб, бу борада қониқарли натижаларни қўлга киритдик. Турли вазиятларга тайёр бўлишни таъминлаш мақсадида беш мингга яқин ўқитувчилар махсус дастурлар асосида ўқитилди. Республиканинг барча ҳудудларида истиқомат қилувчи 300 мингга яқин ёшлар орасида тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилди.

Матбуот анжумани давомида Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирининг ўринбосари, полковник Ҳакимжон Абдулазизовнинг таъкидлашича, мамлакатимизда одамлар ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген фалокатлардан ҳимоя қилиш, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ижросини таъминлаш, фавқулодда ҳолатлар юз берган пайтда давлат тузилмаларининг биргаликдаги ҳаракатларини мувофиқлаштириш бўйича аниқ мақсадга йўналтирилган ишлар амалга оширилмоқда. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Фанлар академиясининг Сейсмология институти, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Гидрометеорология хизмати маркази ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорликда бажарилган ишлар ўз самарасини берди. 2011 йилнинг тўққиз ойида мамлакатимизнинг барча жойларида ўтказилган 27 қўмондонлик-штаб ва 574 тактик-махсус ўқув машғулотларида 185 минг нафардан зиёд киши ўқитилди. Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ҳузуридаги Фуқаро муҳофазаси институтида 1200 турли даражадаги раҳбар, аҳоли ва раҳбарлар таркибини тайёрлаш марказларида 31 минг нафардан ортиқ киши фуқаро муҳофазаси бўйича қайта тайёрлашдан ўтди. Турли экстремал ҳолатларда аҳолига зудлик билан ёрдам беришга тайёр қутқарув хизмати гуруҳлари томонидан келиб тушган чақирувлар бўйича жойларга қарийб 12 минг маротаба чиқишлар амалга оширилди.

Тадбир доирасида Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ҳудудий бўлимларига ЮНИСЕФнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси томонидан берилган тўртта «Дамас» автомобили топширилиши, бу йил Офатлар хавфини камайтириш халқаро куни бутун дунёда «Болалар ва ўсмирларни офатлар хавфини камайтириш фаолиятига жалб қилайлик» шиори остида ўтказилаётганини инобатга олсак, бу совғалар келгусида амалга оширилажак эзгу мақсадлар доирасини янада кенгайтиришга хизмат қилиши, шубҳасиз.

Садоқат АСЛАНОВА

Ўз-ўз ўрганиб доно бўлур

МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

ШАРҚ ҲИКОЯТ ВА РИВОЯТЛАРИ

Хорун ар-Рашид бир кеча туш кўрса, барча тишлари тўкилган эмиш. Муаббирни чақириб, тушининг таъбирини сўрабди.

– Эй амир ал-мўминин, – дебди муаббир, – бу тушнинг таъбири шуки, барча яқинларинг ўлиб, ўзинг яккаю ёлғиз қолар экансан.

Бу таъбир халифага ёқмабди.

– Барча яқинларимдан айрилсам, менга ҳаётнинг нима қизиғи қолади? – деб тушини беъмани йўйгани учун фаросатсиз муаббирни юз дарра уришни буюриб, бошқасини ҳузурига чорлабди.

– Эй амир ал-мўминин, сен барча авлоду аждодингдан узоқ умр кўрар экансан, – дебди иккинчи муаббир.

Бу таъбир халифага маъқул тушибди.

«Аслида ҳар иккала таъбирнинг ҳам моҳияти бир, – деб ўйга чўмибди Хорун ар-Рашид. – Лекин уларнинг ифодаси орасида ер билан осмонча фарқ бор».

Шундан сўнг муаббирга юз тилла инъом қилишларини буюрди.

* * *

Ов пайтида Хусрав Парвезнинг тожидаги битта гавҳар йўқолибди. Лекин ов вақти буни ҳеч ким пайқамабди. Шоҳ шаҳарга қайтгачгина буни сезибди-ю, ғалағовур бошланибди. Чунки ўша гавҳар жуда қимматбаҳо бўлиб, унинг нархи бутун мамлакатнинг бир йиллик хирожига тенг тураркан. Шунинг учун уни топиб келтирган кишига катта мукофот ваъда қилинибди.

Бир гуруҳ одамлар гавҳар ахтаргали дашту биёбонга келишибди. Иттифоқо, улар икки одамга дуч келишибди. Бирининг номи – Мудбир. Иккинчисининг оти Муқбил экан. Улар шу биёбонни кесиб ўтиб, шаҳар томон бораётган эдилар. Гавҳар излаётганларнинг бошлиғи бу икки йўлчи билан учрашганда Мудбир такаббурлик билан салом-алик қилмай гердайганча ўтиб кетади. Муқбил самимийлик юзасидан унга одоб билан бош эгиб салом беради-ю, ўша пайтда оёғи остида ётган гавҳарни кўриб, бошлиққа олиб узатади. Ваъда этилган мукофот Муқбилга берилиб, у Хусравнинг олқишига сазовор бўлади.

* * *

Бир подшоҳ ўғлини бир олим тарбиясига топшириб:

– Бу сенинг фарзандинг – ўз ўғилларингнинг биридай тарбияла, унга таълим ўргат! – дейди.

Олим заҳмат чекиб, шаҳзодани бир неча йиллар давомида ўқитиб-ўргатибди. Лекин меҳнатлари зое кетиб, шоҳнинг ўғлидан одам чиқмабди. Ўз болалари эса илм-фан, фазлу одобда камолотга етишибдилар. Бундан огоҳ бўлган подшоҳ олимни қойиб:

– Сен аҳдингни бузиб, ваъдага вафо қилмадинг, – дебди. Шунда олим:

– Эй шоҳ, тарбиянинг расму қоидаси бир йўсинда, лекин истеъдод турлича бўлади, – деган экан.

Эргаш ОЧИЛОВ
тайёрлаган

(Давоми бор)

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

«KO'P TARMOQLI KO'CHMAS MULK SAVDO»
МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига Шайхонтоҳур тумани СИБ томонидан 14.03.2011 йилдаги 3779/17-сон ижро варақасига асосан Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, Ҳувайдо кўчасида жойлашган бошланғич нархи 200 000 000 сўм бўлган, умумий фой. майдони 86,16 кв.м. яшаш май. 37,88 кв.м., ер майдони 387,0 кв.м дан иборат бўлган 21-уй-жой (ҳовли) биноси қўйилмоқда.

Аукцион савдолари 2011 йилнинг 18 ноябрь куни соат 11:00 да Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уйда жойлашган 311-хонада бўлиб ўтади. Юқорида кўрсатилган кўчмас мулклар 2011 йилнинг 11 ноябрь куни сотилмаган тақдирда такрорий аукцион савдоси 2011 йилнинг 9 декабрь куни бўлиб ўтишини аввалдан маълум қиламиз.

Ушбу савдоларда қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоиздан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини «KO'P TARMOQLI KO'CHMAS MULK SAVDO» МЧЖнинг АТИБ «Ипотека банк» Шайхонтоҳур филиалидаги 20208000104931635001, МФО 00425, ИНН 207128747, ОКОНХ 83400 ҳисоб рақамига тўлашлари шарт.

Савдога қўйилган мол-мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойга чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш расмий иш кунлари соат 9.30 дан 18.00 гача кабул килинади. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш ким ошди савдоси ўтказилишига бир кун қолганда, яъни 2011 йил 16 ноябрь куни соат 18.00 да тўхтатилади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уй, 311-хона.

Телефонлар: 249-54-59, 249-53-61.

Лицензия: №0039

ДИҚҚАТ, ТАНЛОВ!

Адлия вазирлиги Тошкент юридик коллежининг ўқув ишлари ва хўжалик ишлари бўйича директор ўринбосарлари бўш лавозимларига такроран танлов эълон қилади

Танловда илмий даража (илмий унвон)ли ёки педагогик (касбий-таълим) ёки таълим муассасасининг йўналиши бўйича магистр, дипломли мутахассислар иштирок этиши мумкин.

Номзодларнинг аризалари Адлия вазирлигига тақдим этилади.

Аризага қуйидаги ҳужжатлар илова қилинади:

1. Сўровнома (кадрларни ҳисобга олиш варақаси) ва таржимаи ҳол;
2. Маълумоти ҳақидаги ҳужжатнинг нусхаси;
3. Илмий даража ва илмий унвонлар ҳақидаги ҳужжатнинг нусхалари (мавжуд бўлса);
4. Илмий-услубий ишлар ва ихтиролар рўйхати (мавжуд бўлса);
5. 4х6 ўлчамдаги 4 дона фотосурат;
6. Директор ўринбосари лавозимига номзоднинг бўлажак фаолияти бўйича ихтиёрий шаклда ёзилган режаси (концепцияси).

Ҳужжатлар танлов матбуотда эълон қилинган кундан бошлаб бир ой давомида қабул қилинади.

Танлов комиссияси ҳужжатларни ўрганиб, номзодларни танловда қатнашишга тавсия этади.

Манзилимиз: 100047, Тошкент шаҳри, Сайилгоҳ кўчаси, 5-уй, Адлия вазирлиги биноси. Тел. 233-50-17.

ЎЗГИДРОМЕТ ХАБАР ҚИЛАДИ

*Тошкент шаҳрида **19 октябрь** куни ҳаво ўзгариб туради, қисқа муддатли ёмғир ёғиш эҳтимоли мавжуд. Ғарбдан секундига 5-10 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 12-14, кундузи 23-25 даража иссиқ бўлади.*

*Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, **19 октябрда** Тошкент шаҳри об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бироз тарқалиб кетишига имконият яратади. Атмосферанинг ифлосланиш даражаси 1-3 фоиз пасайиши тахмин қилинмоқда, тағмиқдори паст бўлади.*

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир
Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
Эълонлар: 233-28-95,
236-57-65. факс: (371) 232-11-39.
Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 563
ISSN 2010-9229

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади.
2879 нусхада босилди.
Қоғоз бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Нашр учун масъул Д. Исроилов

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Буюртма Г- 1041

Топшириш вақти: 13.00 Босишга топширилди: 14.55 1 2 3 4 5